

АТОҚЛИ ОТЛАРНИ ЎҚИТИШДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАНТИРИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10275417>

Умарова Яйрахон Тўхтаназаровна

Андижон давлат педагогика институти

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, п.ф.б.ф.д.(PhD)

umarova.0319@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада она тили дарсларида атоқли отларнинг ўқитилиши ўқувчиларнинг дунёқарашини ҳар томонлама кенгайтириб боришда муҳим ижтимоий-маърифий аҳамиятга эга эканлиги, шунингдек, бошқа фанларни ўзлаштиришда ҳам асосий, таянч фан сифатида муҳумлиги хусусида фикр юритилади. Жумладан, тилнинг ижтимоийлиги жамиятда кечаётган воқеликлар замон ва маконга хос ўзгаришлар, техник-технологик тараққиёт натижалари, аввало ҳар бир тилнинг лугат таркибида, шунингдек, ономастик номлар таркибида ҳам акс этиши табиий. Атоқли отларнинг объект кўлами зоятда кенг бўлиб, деярли барча илмий соҳалар, айниқса, география, тарих, этнография, сиёсатшунослик, ўлкашунослик каби ижтимоий-гуманитар соҳалар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тарихий-маданий, миллий-этник, географик маъно-мазмун тарқатувчи ахборот воситаси ҳисобланади. Тилшуносликда эса ўз семантик доирасида одамлар, географик жойлар, ҳайвонлар, тарихий воқеалар, турли бино ва иншоотлар, шунингдек, моддий ва маънавий маданиятнинг турли хил кўринишларини номлаш учун хизмат қилувчи ўзига хос тил бирликлари сифатида Ономастика ва Ономасиология бўлимларининг ўрганиш объекти саналади. Бу эса, тил ва бошқа фанлар ўртасидаги интеграцион алоқаларни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Таълим тизимининг барча босқичларида ўқув фан-предметларининг деярли ҳар бирида, айниқса, адабиёт, тарих, география, астрономия ва бошқа қатор фанларда у ёки бу даражада атоқли отлар билан боғлиқ маълумотлар, назарий тушунчалар, илмий асослар етарлича мавжуд. Муайян мавзуга доир билимларни ўзлаштиришда ана шу атоқли отларни ўрганмай туриб, уларнинг моҳиятини англаш, илмий ва амалий аҳамияти, ижтимоий-маданий ҳаёт, фан ва техникада тутган ўрнини белгилаш қийин. Худди мана шу жараёнда атоқли отларнинг интегратив табиати ҳаётий эҳтиёжни юзага келтириб, она тили лексикологиясининг ўзига хос таркибий қисми бўлган атоқли отларни ўқитиш заруратини кучайтиради. Бу эса ономастик

бирликларнинг назарий ва амалий жиҳатларини мақсадли ва самарали ўқитишни илмий-педагогик ва инновацион асосларда йўлга қўйиш зарурлигини тақозо этади.

Калит сўзлар

Миллий ўқув дастури, фанлараро интеграция, атоқли отлар, топонимика, антропонимика, география, тарих, этнография, сиёсатшунослик, ўлкашунослик.

Аннотация

В данной статье преподавание существительного на уроках родного языка имеет большое социально-педагогическое значение в расширении кругозора учащихся во всех аспектах, а также его значение как основного, базового предмета при освоении других предметов. В частности, естественно, что социальность языка, реалии общества, меняются в зависимости от времени и места, результаты технического и технологического развития, прежде всего, отражаются в словарном запасе каждого языка, а также в словарном запасе каждого языка. в ономастических именах. Тематика известных имен чрезвычайно широка и важна практически для всех научных областей, особенно для социальных и гуманитарных областей, таких как география, история, этнография, политология, краеведение, и является средством распространения историко-культурной, национальной -этническое, географическое значение. В языкознании объектом исследования кафедр ономастики и ономасиологии считаются конкретные языковые единицы, служащие для наименования людей, географических мест, животных, исторических событий, различных зданий и сооружений, а также различных проявлений материальной и духовной культуры. Это имеет особое значение для укрепления интегративных связей между языком и другими предметами.

На всех уровнях системы образования, практически по каждому учебному предмету, особенно по литературе, истории, географии, астрономии и другим предметам, имеется достаточно информации, теоретических представлений и научных основ, связанных в той или иной степени с известными именами. Трудно понять их сущность, их научное и практическое значение, их место в социокультурной жизни, науке и технике без изучения этих знаменитых имен в приобретении знаний по конкретному предмету. В то же время интегративная природа наречий существительных создает жизненную потребность и усиливает потребность в обучении наречиям существительным, которые являются уникальным компонентом лексикологии родного языка. Это требует необходимости наладить целенаправленное и эффективное преподавание теоретических и практических аспектов ономастических единиц на научно-педагогической и инновационной основе.

Ключевые слова

Национальная учебная программа, междисциплинарная интеграция, известные имена, топонимика, антропонимия, география, история, этнография, политология, краеведение.

Abstract

In this article, the teaching of nouns in mother tongue classes is of great socio-educational value in expanding students' outlook in all aspects, as well as its importance as a basic, basic subject in mastering other subjects. In particular, it is natural that the sociality of the language, the realities of the society, changes specific to time and place, the results of technical and technological development, first of all, are reflected in the vocabulary of each language, as well as in the onomastic names. The subject scope of famous names is extremely wide and is important for almost all scientific fields, especially for social and humanitarian fields such as geography, history, ethnography, political science, local studies, and is a means of information spreading historical-cultural, national-ethnic, geographical meaning. is considered In linguistics, the study object of Onomastics and Onomasiology departments is considered as specific linguistic units that serve to name people, geographical places, animals, historical events, various buildings and structures, as well as various manifestations of material and spiritual culture. This is of particular importance in strengthening the integrative relations between language and other subjects.

At all levels of the education system, in almost every academic subject, especially in literature, history, geography, astronomy, and other subjects, there is enough information, theoretical concepts, and scientific foundations related to famous names to one degree or another. It is difficult to understand their essence, their scientific and practical importance, their place in socio-cultural life, science and technology without studying these famous names in acquiring knowledge on a specific subject. In the same process, the integrative nature of adverbial nouns creates a vital need and reinforces the need to teach adverbial nouns, which are a unique component of native language lexicology. This requires the need to establish targeted and effective teaching of theoretical and practical aspects of onomastic units on scientific-pedagogical and innovative bases.

Key words

National curriculum, interdisciplinary integration, famous names, топонимы, антропонимы, geography, history, ethnography, political science, local science.

Бошқа фанларни мукамал, пухта ўзлаштиришга асос бўлувчи она тили фани дарсларида миллий маданият ва мафкура, миллий руҳият асосида ўқувчиларда миллий, ижодий, мустақил тафаккурни шакллантириш ва рикожлантириш мақсадида она тили таълимининг инновацион илғор

педагогик технологиялар асосида такомиллаштиришга муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Бунинг учун эса умумий ўрта таълим, ўрта-масус ва касб-хунар таълими ҳамда олий таълим тизими ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва узвийликни таъминлаш орқали тил таълимини тубдан ислоҳ қилиш, халқаро таълим стандартлари асосида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма саводхонлигини ривожлантириш, нутқий компетенциясини шакллантириш учун замонавий ва инновацион педагогик методларни таълим-тарбия жараёнига сингдириш ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш орқали сифатини ошириш каби талабларни вазифа қилиб белгилаш лозим. Шундай муҳим вазифаларни бажаришда она тили таълимини, хусусан, ўқувчиларнинг тил ва нутққа доир илмий-назарий билим ва амалий малака ҳамда кўникмаларини эгаллашга қаратилган ўқитиш тизимини яратиш, такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Умумий ўрта таълимнинг “Миллий ўқув дастури” лойиҳасида она тили ва адабиёт дарсларини ижтимоий ва аниқ фанлар билан узвий боғлаб ўтиш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.⁵⁷

Тилнинг ижтимоийлиги шундаки, жамиятда кечаётган воқеликлар замон ва маконга хос ўзгаришлар, техник-технологик таракқиёт натижалари, аввало ҳар бир тилнинг луғат таркибида, жумладан, ономастик номлар таркибида ҳам акс этиши табиий. Атоқли отларнинг объект кўлами ғоятда кенг бўлиб, деярли барча илмий соҳалар, айниқса, география, тарих, этнография, сиёсатшунослик, ўлкашунослик каби ижтимоий-гуманитар соҳалар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тарихий-маданий, миллий-этник, географик маъно-мазмун тарқатувчи ахборот воситаси ҳисобланади. Тилшуносликда эса ўз семантик доирасида одамлар, географик жойлар, ҳайвонлар, тарихий воқеалар, турли бино ва иншоотлар, шунингдек, моддий ва маънавий маданиятнинг турли хил кўринишларини номлаш учун хизмат қилувчи ўзига хос тил бирликлари сифатида Ономастика ва Ономасиология бўлимларининг ўрганиш объекти саналади. Бу эса, тил ва бошқа фанлар ўртасидаги интеграцион алоқаларни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Таълим тизимининг барча босқичларида ўқув фан-предметларининг деярли ҳар бирида, айниқса, адабиёт, тарих, география, астрономия ва бошқа қатор фанларда у ёки бу даражада атоқли отлар билан боғлиқ маълумотлар,

⁵⁷ Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастури (лойиҳа). Она тили (1-11-синф) // <https://yandex.ru/text=rtm.uz>

назарий тушунчалар, илмий асослар етарлича мавжуд. Муайян мавзуга доир билимларни ўзлаштиришда ана шу атоқли отларни ўрганмай туриб, уларнинг моҳиятини англаш, илмий ва амалий аҳамияти, ижтимоий-маданий ҳаёт, фан ва техникада тутган ўрнини белгилаш қийин. Худди мана шу жараёнда атоқли отларнинг интегратив табиати ҳаётий эҳтиёжни юзага келтириб, она тили лексикологиясининг ўзига хос таркибий қисми бўлган атоқли отларни ўқитиш заруратини кучайтиради. Бу эса ономастик бирликларнинг назарий ва амалий жиҳатларини мақсадли ва самарали ўқитишни илмий-педагогик ва инновацион асосларда йўлга қўйиш зарурлигини тақозо этади.

“Тарих” ва “География” бакалавриат таълим йўналишларида “Топонимика” курсининг ўтилиши ҳам атоқли отларни ўрганишда интеграцион ёндашувнинг зарурат эканлигини далиллайди. Шу нуқтаи назардан, тарихчи олимларимиз жой номларини тўғри ёзиш ва талаффуз қилиш катта амалий аҳамиятга эга эканлиги хусусида шундай фикр билдирадилар: “Агар жой номларни биронта харфи нотўғри ёзилса ёки нотўғри талаффуз қилинса, унда унинг бутун мазмуни ва жойлашган ўрни ўзгаради. Масалан, *Эльбурс - Эльбрус, Аму - Амур, Нева-Нива. Бразилия* давлат номини англатади, *Бразилия* эса шаҳар номини, унинг пойтахтини англатади. *Мексика* давлат номини, *Мехико* эса унинг пойтахтини билдиради. Мари бу Туркменистон Республикасида жойлашган шаҳар, Марий эса Волга бўйида жойлашган автоном республика (Россия) номини англатади”.⁵⁸

“Ўлкашунослик” йўналишида ҳам топонимика ва антропонимикага оид номлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.⁵⁹ Дарҳақиқат, бирор ҳудудга оид тарихий ҳамда замонавий маълумотларни йиғиш ва ўрганишда, албатта, жой номлари, тарихий шахслар, шунингдек, архитектура ёдгорликлари, бино ва иншоотлар, тарихий ва бадиий манбаларнинг номларига мурожаат қилинади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, топоним ва гидронимларнинг маъноси ва тўғри ёзилишини ўргатиш масаласи география ўқитувчиларини ҳам қизиқтириб келади. Бу борада тилшунос З.Дўсимовнинг Ўзбекистон, қолаверса, Хоразм топонимикасининг қатор масалаларини илмий тадқиқ қилиш ва изланишлар натижаларини таълим-тарбияга татбиқ қилиш бўйича олиб бораётган ишлари диққатга сазовор. Ю.И.Аҳмадалиевнинг қуйидаги фикри ҳам бундай ёндашув тўғри эканлигини тасдиқлайди: “География

⁵⁸ Бектурдиев Ш.Қ. "Топонимика" фанидан ўқув-услубий мажмуа. Гулистон. 2011. (- 106 б.) – Б.14

⁵⁹ Мирзамаҳмудов О., Абдивосиева С. Ўлкашунослик. Ўқув-услубий қўлланма. Наманган, 2020. – Б. 91

таълимида ҳам географик номлар тилшуносликдаги каби ёритилганда эди, яъни иложи борича изоҳи ва маъноси билан берилганда, шубҳасиз, географияни ўрганиш мислсиз равишда кўпроқ маъно ва қизиқишларга олиб келарди.”⁶⁰ З.Дўсимов, Ю.И.Аҳмадалиев ва бошқаларнинг мактабда топонимика тўғарақлари юритиш борасидаги фикрлари ҳам география ва тил таълими интеграциясига эҳтиёж мавжудлигини исботлайди.

Хўш, бу алоқадорликни она тили дарсларида қандай амалга ошириш мумкин? Маълумки, педагогик технология – дарс давомида фойдаланиладиган ўқув-тарбия усул ва воситаларини олдиндан режалаштирилган дидактик жараён ҳисобланади. “Миллий ўқув дастури” асосида яратилаётган янги мазмундаги она тили дарсликларида турли тоифадаги матнлар бериб борилиши кўзда тутилганлиги фанлараро боғланиш тамойили етакчи унсурлардан бири эканлигини кўрсатади. Матн билан ишлаш давомида атоқли отларнинг ёзилиши бўйича қисқа ҳажмда хотира машқлари ўтказиб бориш ўқувчиларда бир муаммо юзасидан тизимли иш олиб бориш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради. Масалан, 6-синф “Она тили” дарслигидаги “Берунийнинг дам олиш кунлари” матнида (73-бет) *Наврўз* ва *Беруний* атоқли отлари берилганлигига таяниб, 2 та савол-топшириқ берилади:

1. Ўзбекистонда ўтказиладиган байрамларнинг номларини ёзинг.
2. Яна қайси буюк алломаларимизнинг номларини биласиз?

“Телебошловчи бўлиб қолсам” (86-91-бетлар) мавзуси доирасида эса куйидаги саволлар берилади:

1. Ўзбекистон телевидениеси телеканаллари номларини ёзинг.
2. Қайси кўрсатувларни томоша қиласиз?
3. Телебошловчилардан кимларни биласиз?

Дарсликнинг 93-бетида ёш шахматчи Нодирбек Абдусатторов ҳақида маълумот берилган. Ўқитувчи ўзбекистонлик жаҳон чемпионларининг номлари кўзга ташланадиган қилиб ёзилган ёзувларни доскага териб қўяди ва яхшилаб эслаб қолишлари учун 3-4 минут вақт беради. Ёзувлар йиғиб олиниб, берилган номларни дафтарга ёддан ёзишлари топширилади. Энг кўп номни эслаб қолиб ёзган ўқувчилар олқишланади. Шу тариха, муайян мавзуларга мос усул ва шаклларни танлаган ҳолда тизимли равишда қисқа топшириқлар бериб бориш атоқли отлар ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида

⁶⁰ Аҳмадалиев Ю.И. Топонимика ва географик терминшунослик. Фарғона, 2018. – Б. 105

аҳамиятли эканлигини англаб етиш ҳамда уларни беҳато ёзиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради.

Умуман олганда, тилшунослиқда атоқли отларни ўқитишнинг илмий-методик муаммоларини тадқиқ этиш соҳасида ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Бу эса келгусида она тили ўқитиш методикасига доир тадқиқотларни янада кучайтиришни талаб қилади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Азимова И., Мавлонова К., Қуронов С., Турсун Ш., Ҳакимова Н., Сиддиқов М. Она тили. 6-синф учун дарслик. Т.: 2022.
2. Аҳмадалиев Ю.И. Топонимика ва географик терминшунослик. Фарғона, 2018.
3. Бектурдиев Ш.Қ. "Топонимика" фанидан ўқув-услубий мажмуа. Гулистон. 2011.
4. Мирзамаҳмудов О., Абдивосиева С. Ўлкашунослик. Ўқув-услубий кўлланма. Наманган, 2020.
5. Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастури. Она тили (1-11-синф) // <https://yandex.ru/text=rtnm.uz>
6. Umarova, Y. "Qobusnoma" asari asosida o'quvchilarni kasbga yo'naltirish. *Theoretical Aspects in the Formation of Pedagogical Sciences*, 2(13), (2023), 129-131. извлечено от
<http://www.econferences.ru/index.php/tafps/article/view/7548>
7. Umarova Ya.T., Ne'matova D. Analysis of the current state of language competence of secondary school students-Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar - Scientific bulletin. Pedagogical Research. 2020. 6(50). 47-57
8. Umarova Y. O'quvchilarda pragmatik kompetensiyani rivojlantirish xususida (morfologik birlik va shakllar tahliliga o'rgatish asosida). Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar - Scientific bulletin. Series: Pedagogical Researches. 2021. 2(54). 24-33.
<https://ajpedagogical.uz/article/542290428127/abstract>
9. Umarova, Y. Til - inson qalbining hazinasi. *Молодые ученые*, 1(8), (2023), 130-131. извлечено от
<https://in-academy.uz/index.php/yo/article/view/17720>